

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил март ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди, суд биносида, очик суд мажлисида, судья М.Каюмов раислигида, судья ёрдамчиси С.Абдурашидовнинг котиблигида, тарафлардан Олмалик шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Шамсуддинов, судланувчи Ғ.Тўйчиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Мўминов, жабрланувчининг қонуний вакили Б.Абидовнинг иштирокида, Тўйчиев Ғолибжон Абдирауф ўғлига нисбатан № 1-1110-2503/95-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра;

Тўйчиев Ғолибжон Абдирауф ўғли (То'уochiyev G'olibjon Abdirauf o'g'li), 1997 йил 9 май куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ОКМК АЖ Қалмоқир кони ички кўриқлаш хизмати, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Пскент шаҳар, Мирутоли МФЙ, Фидойи кўчаси, 21-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини 12.02.2025 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд айбланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини ҳамда томонларнинг фикрини тинглаб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, йиғилган далилларга тегишлича юридик баҳо берган ҳолда, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Ғ.Тўйчиев 2024 йил 25 ноябрь куни соат 17:00 ларда ўзига тегишли бўлган давлат рақами 10 С 997 ЈА бўлган оқ рангли “Дамас” русумли автомашинани Олмалик шаҳар, Увайсий МФЙ, Улуғбек кўчасидан ўтган қатнов йўли бўйлаб, “Темур Малик” МФЙ томон бошқариб келиб, амалдаги йўлда пиёдалар йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан, мазкур ўз-ўзига ишониши натижасидаги эҳтиётсизлиги оқибатидаги хатти-ҳаракатлари билан амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми (Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада қаянварьтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш



чораларини кўриши керак.) ва 11-банди “г” қисми (Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши мажбурдир) лиги тўғрисидаги талабларни бузиб, унга нисбатан йўлни ўнг томондан чап томонга кесиб ўтаётган пиёда вояга етмаган М.Абидовни автотранспорт воситасида уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Суд-тиббий экспертизанинг 22.01.2025 йилдаги 63-сонли хулосасига кўра, М.Абидовда “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейиши оғир даражаси, субарахноидал қон қуйилиши, кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, чап ва ўнг ўпка юқори қисмининг ателактази, чап ўпка лат ейиши, чап ўтирғич суягининг ёпиқ синиши, суяк бўлақларининг қониқарли туриши билан, пешона ва тепа соҳасининг тери ости гематомаси, чап плевра бўшлиғининг дренажлаш амалиётидан кейинги ҳолати, кома 1-даражаси, асперацион синдром, ўпка нафас етишмовчилигининг 3-даражаси” каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавfli бўлган “оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши аниқланган.

Судга оид авто-техника экспертизасининг 17.12.2024 йилдаги

1069-сонли хулосасига кўра, фуқаро Ғ.Тўйчиевнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли давлат рақами 10 С 997 JA бўлган автотранспорт воситасининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлиб, ҳодисанинг келиб чиқиши билан сабабий боғланишда эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи Ғ.Тўйчиев ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчининг қонуний вакили Б.Абидов билан ўзаро ярашиб, уларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлигини билдириб, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили Б.Абидов, 2024 йил 25 ноябрь куни ўғли М.Абидов йўл транспорт ҳодисасига учраганлигини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида оғир тан жароҳати олганлигини, ҳозирда Ғ.Тўйчиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув



аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, Ғ.Тўйчиев билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили Б.Абидов ва судланувчи Ғ.Тўйчиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олмалиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Шамсуддинов ва адвокат Ш.Мўминовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, Ғ.Тўйчиевнинг судланмаганлигини, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, Ғ.Тўйчиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили Б.Абидовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 585-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан **Тўйчиев Голибжон Абдирауф ўғли** (То'uchiyev G'olibjon Abdirauf o'g'li)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритувдан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили Б.Абидовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг Ғ.Тўйчиевга қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.



Ашёвий далил - бир дона диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

М.Каюмов

Маъсул судья: Каюмов Мухаммад Воҳидович

